Халқ депутатлари Янгиер шаҳар Кенгаши

ҚАРОРИ

2017 йил 31 декабрь **130 /20-V-сон** **Янгиер шаҳри.**

Янгиер шаҳар маҳаллий бюджетининг 2018 йилги асосий истиқболли кўрсаткичлари тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 31 декабрдаги "Ўзбекистон Республикасининг 2018 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида"ги ПҚ-3454-сонли қарори ҳамда Халқ депутатлари Сирдарё вилояти Кенгашининг 2017 йил декабрдаги "Сирдарё вилояти маҳаллий бюджетининг 2018 йилги асосий истиқболли кўрсаткичлари тўғрисида"ги 574-сонли қарори ижросини таъминлаш ҳамда Янгиер шаҳар маҳаллий бюджетининг 2018 йилги асосий истиқболли кўрсаткичларини тасдиқлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Қонунининг 24, 25-моддаларига биноан Халқ депутатлари Янгиер шаҳар Кенгаши **қарор қилади:**

1. Янгиер шаҳари маҳаллий бюджетининг 2018 йилги асосий кўрсаткичлари 1-иловага, 2018 йилги маҳаллий солиқлар ва йиғимлар ставкалари 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Янгиер шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари (И.Нурматов), шаҳар давлат солиқ инспекцияси (Ғ.Ботиров) ва молия бўлими (Р.Сувонов) шаҳар маҳаллий бюджетининг даромадлар қисмини солиқ турлари бўйича белгиланган режаларининг ошириб бажарилишини таъминласинлар.

3. Янгиер шаҳар молия бўлими (Р.Сувонов)га:

- 2018 йилда маҳаллий бюджет харажатларини мақбуллаштириш натижасида шаклланадиган манбалар ҳисобидан шаҳарни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш учун ажратиладиган маблағлар бўйича зарур тузатишлар киритиб бориш;

- бюджетдан маблағ олувчиларнинг бюджетдан маблағ билан таъминланиш асослари мавжудлигини мунтазам таҳлил қилиб бориш,

ажратилган бюджет маблағларининг натижадорлигига эришилмаётган бюджет муассасаларини қисқартириш юзасидан шаҳар ҳокимлигига таклифлар киритиб бориш;

- шаҳар ғазначилик бўлинмаси (З.Исроилов) билан биргаликда бюджет маблағларидан мақсадли фойдаланиш ва уларнинг асоссиз сарфланиши устидан қатъий назоратўрнатиш топширилсин.

4. Шаҳар ҳокимлиги тегишли мутасадди ташкилотлар билан биргаликда бюджет даромадларининг тасдиқланган кўрсаткичлари бажарилишини таъминласин, шаҳарнинг солиқ солиш базаси кенгайтирилиши ва молиявий салоҳияти мустаҳкамланиши юзасидан зарурий чора-тадбирлар кўрсин, бюджет маблағларидан мақсадли фойдаланиши устидан қатъий назорат ўрнатсин.

5. Янгиер шаҳар молия бўлими (Р.Сувонов) халқ депутатлари шаҳар Кенгашига маҳаллий бюджетнинг ижроси тўғрисида ҳар чоракда ахборот бериб борсин.

6. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш халқ депутатлари шаҳар Кенгашининг маҳаллий бюджетни шакллантириш ва уни ижро этиш, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш ҳамда тадбиркорликни ривожлантириш масалалари бўйича доимий комиссияси раиси И.Исоков зиммасига юклатилсин.

7. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Халқ депутатлари Янгиер шаҳар Кенгашининг маҳаллий бюджетни шакллантириш ва ижро этиш, иқтисодий ислохотларни амалга ошириш ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари бўйича доимий комиссияси зиммасига юклатилсин.

8. Мазкур қарор расмий нашрда эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

9. Қарор матни шаҳар ҳокимлигининг расмий веб-сайтига жойлаштирилсин.

Кенгаш раиси **И. Хўжаев**